

## МАРКЕТИНГ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН СУГУРТА ФАОЛИЯТИДА ФОЙДАЛАНИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР

**Абдусаломов Абдусамад Баходирович**

Вазирлар махкамаси қошидаги Бизнес ва тадбирколик Олий мактаби  
доценти, и.ф.ф.д. (PhD)  
abdusalomov440@mail.ru

**Аннотация:** Ушбу мақолада Суғурта компаниялари АҚТдан мижозларни жалб этиш, суғурта компанияси ҳаражатларини камайтириш ва суғурта бухгалтериясини түғри олиб боришда кенг фойдалиниш. Шунингдек, Суғурта компаниясининг маркетинг ахборот тизимидағи бизнес-жараёнларининг ўзаро боғлиқлигини мақбуллаштириш. Суғурта компанияларининг фаолиятида АҚТ-лари функционал имкониятларидан кенгрок фойдаланиш бўйича ҳам маълумотлар бериб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Суғурта компаниялари, суғурта маркетинги, АҚТ, бозор, маркетинг ахборот тизимлари, суғурта полислари, ахборот тизимлари.

Хозирги замонавий молия бозорида рақобатда муваффақият қозониш-нинг бирдан-бир йўли фақат ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишdir. Жаҳоннинг етакчи суғурта компаниялари АҚТдан мижозларни жалб этиш, суғурта компанияси ҳаражатларини камайтириш ва суғурта бухгалтериясини түғри олиб боришда кенг фойдалинишмоқда.

Мижозлар бундан буён муайян суғурталовчининг чегирмалари, хизмат кўрсатиш сифати ёки заарларни йўқотиш самарадорлигига

унчалик жиддий эътибор бермаётганини ҳам кузатиш мумкин. Бир суғурталовчини бошқаси билан алмаштириш биринчи навбатда суғурта маҳсулотининг нархи билан боғлиқ. Лекин, ҳозирда суғурталовчиларнинг ичида мижозларга йўналтирилган ва уларнинг эҳтиёжларини қондирадигани рақобат муҳитида ютиб чиқади. Ҳозирги молиявий бозорни технологик ечимларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, шунинг учун ҳам суғурта компанияларининг фаолиятида АКТлари функционал имкониятларидан кенгроқ фойдаланишса компания ўз мақсадларига эришади.

Ҳозирда бутун дунё компаниялари рақамли иқтисодиёт технологиялари томонига ўз фаолиятини ўзгартирмоқда. АКТнинг ривожи инвестицион фаолиятининг устувор омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ҳар қандай суғурта компаниясининг ривожланиш стратегиясини доимий ривожлантириб боришга эҳтиёж бор. Шу билан бирга, суғурталовчининг офисига шахсан келиши талаб қилмаймадиган суғурта хизматларини сотиб олиш им-конини берадиган истиқболли суғурталанувчилар ҳам мавжудлигини таъкид-лаб ўтиш жоиздир. Сугурта йирик салоҳиятга эга бўлиб, унинг ривожи аҳо-лининг турмуш даражасини юксалтиришга олиб келади. АКТ, жумладан ахборот тизимлари суғурта ишида ўз амалиётини топмоқда (1- жадвал).

1 -жадвал.

**Суғурта бизнесида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг  
асосий йўналишлари**

	Йўналиш номи	Ким учун мўлжалланган	Нима беради
1.	Башоратли таҳлил	- суғурталовчи	<ul style="list-style-type: none"> <li>- мижозга реал вақтда керакли суғурта маҳсулотларини таклиф қилиш имкони;</li> <li>- ўзаро савдони қўпайтириш;</li> <li>- суғурта фирибгарлигини олдини олиш.</li> </ul>
2.	Маълумотлар платформалари	<ul style="list-style-type: none"> <li>- мижозлар;</li> <li>- ҳамкорлар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- маълумотларга тезкор эга бўлиш имкони;</li> <li>- умумлашган ахборот муҳитини шакллантириш имкони;</li> <li>- мижозлар хизмати сифатини ва тезлигини яхшилаш.</li> </ul>
3.	Булутли ҳисоблаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- асосан суғурталовчилар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- суғурта хизматини оптималлаштириш;</li> <li>- ҳисбот тайёрлашни оптималлаштириш;</li> <li>- бир қанча ўринлар сони ҳаражатини камайтириш.</li> </ul>
4.	Хавфсизлик ечимлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>-суғурталовчи;</li> <li>- мижозлар;</li> <li>- ҳамкорлар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- суғурталовчи маълумотларини ва савдо сирини ҳимоя қилиш;</li> <li>- мижозлар маълумотини ҳимоялаш.</li> </ul>
5.	Ижтимоий тармоқ хизмати	<ul style="list-style-type: none"> <li>- истиқболли суғурталовчи;</li> <li>-мижозлар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- қўшимча алоқа канали;</li> <li>- савдо ҳажмини қўпайтириш;</li> <li>- хизматлар сифати яхшиланиши.</li> </ul>
6.	Мобил ва бошқа технологиялар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- истиқболли суғурталовчи;</li> <li>- мижозлар;</li> <li>- суғурталовчи.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- суғурта шартномаси билан боғлиқ ҳаражатларни оптималлаштириш;</li> <li>- савдо ҳажмини қўпайтириш;</li> <li>- тариф сиёсатини яхшилаш ва йўқотишларни тартибга солиш мақсадида суғурталовчи томони-дан катта ҳажмда маълумотлар қабул қилиш.</li> </ul>
7.	Электрон савдо	<ul style="list-style-type: none"> <li>- истиқболли суғурталовчилар;</li> <li>- мижозлар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- суғурта кўламини қоплаш кенглиги;</li> <li>- савдо ҳажмини қўпайтириш;</li> <li>- суғурта шартномаси билан боғлиқ ҳаражатларни оптималлаштириш.</li> </ul>

Ушбу маркетинг ахборот тизимлари доирасида суғурталовчининг

бизнес-жараёнларини ташкил қилишни тадқик қилдик. Ҳар бир алоҳида сұғурта тури учун сотиш, сұғурта қилиш, қўллаб-қувватлаш ва заарларни қоплаш учун сұғурта компанияларида масъул алоҳида бўлим яратилган ҳолатлар одатий ҳолдир. Сұғурта муайян турига жавоб берадиган ҳар бир бўлим ходимлари сұғурта компаниясининг ягона ахборот тизимида ишлашиб, барча маълумотларнинг бир жойга тўпланишини таъминлашади.

Бундай сұғурта компания иши тушунарли бўлиб, бироқ у бир нечта камчи-ликларга эга, яъни уларнинг асосийси бўлимлар ўртасида манфаатлар тўқна-шувидир, натижада албатта мижозларга хизмат кўрсатиш сифати пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бундай бўлимлар кўйидаги муҳим жиҳатларига эга ҳолда фаолият кўрсатиши лозимдир.

- алоҳида бўлим мижозлар базасига дастлабки маълумотларни киритиш, уларни юритишга тайёрлаш учун масъулдир;
- сұғурта маҳсулотларини сотиш сұғурта турига қараб эмас, балки юридик ёки жисмоний шахслар билан иш олиб борувчи бўлим томонидан хизмат кўрсатувчи мижозлар турларига қараб бўлинади;
- алоҳида сұгурталаш ва сұғурта бухгалтерияси бўлимлари барча турдаги сұғурта хизматларини бир вақтнинг ўзида бажаради;
- қўллаб-қувватлаш ва заарларни қоплаш жараёнлари алоҳида сұғурта турларига бўлинади ва алоҳида бўлимларга ажралади.

Сұғурта компанияси раҳбарияти бу салбий тенденциянинг келиб чиқиши сабаблари ва омилларини ичига кириши ва уларни тезкорлик билан бартараф қилиш лозим бўлади. Бунда замонавий маркетинг воситалари, ахборот тизимлари, Интернетнинг функционал имкониятлари, ижтимоий тармоқлар ва бошқалардан жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда кенг

фойдаланиш лозим.

Суғурта компаниясининг маркетинг ахборот тизимидағи бизнес-жара-ёнларининг ўзаро боғлиқлигини мақбуллаштириш бўйича қуидаги таклифларни ўртага ташлаймиз:

- мижозларга шахсийлаштирилган таклифларни шакллантириш керак. Аслида, компания ўзи олдида мижозларнинг содиқлигини ва марказлаш-тириш даражасини компания миқёсида кенгайтириш вазифасини қўйиши керак, шу жумладан мижозлар базасини таҳлил қилишни ҳам;
- суғурта компаниянинг мижозларни суғурта хизматлари билан камраб олиш даражасини ошириш бўйича сиёсатини амалга ошириш мижозларнинг турларига қараб бўлинишнинг самарасизлиги, савдо каналларига бўлиниш-лиги янада мантиқий бўлади, аммо ҳар бир савдо канали учун бўлинмалар очиш мақсадга мувофиқ эмас;
- суғурталовчининг барча бизнес-жараёнлари мижозларни аниқлаш учун зарур тартиб билан “қаттиқ боғланган” бўлиши шарт;
- суғурта таваккаллар портфелини сегментларга ажратиш орқали суғурта таваккалини бошқариш фақатгина андеррайтинг ва суғурта бухгатерияси бошқармаси томонидан эмас, балки қайта суғурталаш бўлими ва суғурта компанияси хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилиши керак;
- мижознинг барча турдаги суғурта турлари бўйича мурожаат қилишлари мумкин бўлган "барча хизматлар бир жойда" усулидан фойдаланиб, барча қонунчилик янгиликларини ва мижозларнинг қулайлигини ҳисобга олган ҳолда ечимини ташкил этиш.

Замонавий АКТ тўпланган ахборот маҳсулотларини кишиларга

тезкор суръатда етказиб сермеҳнатлик даражасини пасайтирган ҳолда мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам АКТни иқтисодиётнинг барча тармоқларида самарали қўллаш мам-лакатни технологик ва иқтисодиёт жиҳатдан ривожлантиришни ифодаловчи кўрсаткич бўлиб хизмат қилмоқда.

Хозирги кунда суғурта фаолиятини такомиллаштириш АКТсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистонда интернет–суғуртани ривожланиб бориши истиқболли аҳамиятга эга бўлиб, бу истиқбол суғурта хизматлари бозори ҳажмининг катталиги ва бозорнинг салоҳиятли иштирокчиси бўлган мижозга мулоқот қилиши учун телефон рақамларини қолдириш, e-mail анкеталарини тўлдириш таклифи бўлган offline тартибдаги ҳаридларни амалга оширишни таклиф қилиш имкониятлари мавжуд бўлган сайтларга эга бўлиб бораётганлиги билан боғлиқдир.

Аксарият суғурта компанияларининг мавжуд бўлган маркетинг ахборот тизимларида вақтинчалик ўзгаришларни амалга ошириш қийин кечади. Одатда, маълум бир бизнес-жараён учун янги АКТ ечимлари талаб қилинади. Компания ахборот тизимида мавжуд бўлган инфратузилмасини ўзгартириш одатда қийин, қиммат ва баъзида ўз фаолиятининг самарадорлигини йўқоти-шига олиб келади. Бироқ, қўплаб суғуртачилар тайёр дастурий таъминотни сотиб олиш учун маблағга эга эмаслар, кўпинча ўзларининг дастурий таъми-нотини ривожлантириш йўлини танлайди.

Якка тартибдаги бизнес-жараёнлар учун ихтисослашган АКТ ечимла-рини ҳарид қилиш ёки ривожлантириш ва уларни интеграциялашувидан фой-даланиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон бозорига чиқишининг асосий воситаси бўлиб Интернет

ҳисобла-ниб, шу боис ҳам келгусида суғурта тизимининг муваффақияти ахборот ва АҚТ ҳисобланиб, суғурта келажаги улардан қандай даражада фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Амалиёт шуни қўрсатмоқдаки, суғурта компаниялари фаолиятида АҚТ-дан фойдаланишда қуидаги муаммолар долзарблигича қолмоқда:

Суғурта компаниялари бўлимлари ўртасидаги ҳужжатлар алмашинуви аксарият ҳолларда қоғоз кўринишида бўлиб кўпгина қарор қилиш жараён-ларини секинлаштирумокда. Бундан ташқари ушбу жараёнларга кетадиган қоғозларга қилинадиган харажатлар қундан-қунга ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ушбу жараёнларда ахборот тизимлари функционал имкониятлари-дан кенг фойдаланиш талаб қилинмоқда.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, элек-tron ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5598-сон фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори.

4. Арипов А.Н. Ахборот коммуникациялар соҳасида бошқарув тизи-мини такомиллаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.– Тошкент, 2004.

5. Арипов М. ва бошқалар. Информатика, Информацион технология-лар. Т.: ТДТУ, 2-қисм. 2003. – 430 б.
6. Абдуллаев А.М., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А.И. Эконометрика. – Тошкент.: Фан ва технология, 2007. - 612 с.
7. Бегалов Б.А. Технология процессов формирования информационно-коммуникационного рынка. /Монография –Т.: Фан, 2000. – 275 с.
8. Бекмуродов А.Ш., Мусалиев А.А. Информационный бизнес. Учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, 2006. – 288 с.
9. Божко В.П. Информационные технологии в статистике. М.: МЭСИ, 2004. - 128 с.